



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БАА БИЛАН ИННОВАЦИОН ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МУҲИМЛИГИНИ ҚАЙД ЭТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Араб Амирликлари Ҳукумат ишлари бўйича вазири Мухаммад бин Абдуллоҳ ал-Гаргавий бошчилигидаги делегация билан 4 апрель куни ўтказилган учрашувида юқори технологиялар, сунъий интеллект, рақамлаштириш, шаҳар инфратузилмасини модернизация қилиш борасидаги аниқ лойиҳа ва дастурларни амалга ошириш истиқболлари, ҳудудларнинг савдо-инвестициявий салоҳиятини рўёбга чиқариш ва бошқа масалалар кўриб чиқилди.



Давлатимиз раҳбари ушбу йўналишлар бўлажак олий даражадаги икки томонлама саммит кун тартибининг асосини ташкил этиши лозимлигини қайд этди.

Бундан ташқари, амалга оширилаётган ислохотлар самарадорлигини ошириш, бошқарувда профессионал кадрларни ва дастурчиларни тайёрлаш, электрон ҳукуматни жорий қилиш йўналишларида ва бошқа соҳаларда ўзаро фойдали ҳамкорликни янада кенгайтиришдан манфаатдорлик билдирилди.

Вазир ал-Гаргавий давлатимиз раҳбарига Амирликлар Президенти Шайх Мухаммад Ол Наҳаён ҳамда мамлакат Вице-президенти, Бош вазири, Дубай амири Шайх Мухаммад Ол Мактумнинг саломи ва энг эзгу тилаklarини етказди. Учрашув сўнгида Ўзбекистон Президенти томонидан жорий дастурларни жадаллаштириш ва истиқболли лойиҳаларни тайёрлашни назарда тутуви "йўл харитаси"ни янгилаш юзасидан топшириқлар берилди.

Яқунда вазир ал-Гаргавийга Ўзбекистон ва БАА ўртасидаги кўп қиррали муносабатларни кенгайтиришга қўшган катта ҳиссаси ва Янги Ўзбекистондаги ислохотлар дастурини ҳар томонлама қўллаб-қувватлагани учун давлатимизнинг юксак мукофоти — "Дўстлик" ордени топширилди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати сурати.

БУНЁДКОРЛИК ЛОЙИҲАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев Янги Тошкент шаҳри лойиҳаси концепцияси ва пойтахтдаги бунёдкорлик ишларига оид тақдимот билан танишди.

Давлатимиз раҳбари 18 март куни Янги Тошкент шаҳри лойиҳасига тама тоши қўйган эди. Бугунги тақдимотда унинг биринчи босқичи доирасидаги масалалар кўриб чиқилди.

Бу босқичда 60 минг аҳолига мўлжалланган кўп қаватли уйлар, давлат идоралари учун маъмурий бинолар, боғлар, ижтимоий ва иқтисодий объектлар барпо этилиши режалаштирилган. Буларни лойиҳалаштириш ва барча ишларни мувофиқлаштириш учун дирекция тuzилди. Хорижий мегаполислардаги урбанизация ва қурилиш тажрибаси ўрганилди.

Шунга мувофиқ, Янги Тошкентни администрация, иқтисодиёт, таълим, соғлиқни сақлаш ва маданият каби 5 та негиз асосида қуриш мўлжалланмоқда. Буларнинг ҳар бири тизимдаги бўғинлар ва қуйи ташкилотларни ўз ичига олади.

Тақдимотда бунёдкорлик жараёнининг "йўл харитаси" бўйича ҳам ахборот берилди. Албатта, бундай улкан лойиҳани амалга ошириш учун иш, аввало, инфратузилма яратишдан бошланади. Қайд этилганидек, бунда замонавий урбанизация ёндашувлари, "ақлли" технологиялар қўлланилади. Масалан, "уч-генерация" станцияси қурилиб, ҳам электр ишлаб чиқарилади, ҳам бинолар қишда иситилиб, ёзда совитилади. Барча электр, алоқа тармоқлари, газ ва сув қувурлари ер тагидан ўтказилади.

Шаҳарда инфратузилма, турмуш ва экология мутаносиб бўлади. "Тошкентнинг яшил белбони" лойиҳаси шу ердан бошланади. Пиёдалар ва велосипедчиларнинг эркин ҳаракатлашиши учун қулай шaroит яратилади. Шу мақсадда автомобиллар учун ер ости туннель, 14 та замонавий туннель, Чирчиқ ва Қорасув дарёлари устида 7 та кўприк бунёд этилади.

Давлатимиз раҳбари бўлажак шаҳарда "инсон қадри" тамойилини қарор топтириш, турли ёшдаги одамларнинг эҳтиёжларини инобатга олиб, барча қулайликларни яратиш зарурлигини таъкидлади. Иншоотларни эксплуатация ва транспортлар учун қулай жойлаштириш, яшил ҳудудлар кўп бўлишига алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлади.

Тақдимотдаги яна бир лойиҳа Тошкент ер усти метросининг остида савдо ва хизмат шохобчаларини жойлаштириш ҳақида бўлди. Жумладан, мазкур транспорт иншоотининг Яшнобод туманидаги қисмида 4 километр бўш жой бор. У ерда яшил ҳудудлар, автотурагоҳ, воркаут майдончалари, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари ташкил этиш мумкин. Бу борада Берлин шаҳри тажрибаси ўрганилган.

Ушбу ҳудудларни лотларга ажратган ҳолда ижарага бериш, хавфсизлиқни таъминлаб, аҳоли учун қўшимча қулайликлар яратиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ИЛМИЙ ЁНДАШУВЛАРНИ КЕНГАЙТИРИШ ВА БОШҚАРУВ КАДРЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги "Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-269-сон Фармонида мувофиқ, шунингдек, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш билан боғлиқ қарорлар ижросини самарали амалга оширишда илмий ёндашувлар ва бошқарув кадрларини тайёрлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида:

1. Вазирлар Маҳкамаси ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги: Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти негизда **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Макроиқтисодий ва ҳудудий тадқиқотлар институти**ни (кейинги ўринларда — Институт);

Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби негизда **Ўзбекистон Республикаси**

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Бизнес ва тадбиркорлик олий мактабини (кейинги ўринларда — Олий мактаб) ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Қуйидагилар: Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Макроиқтисодий ва ҳудудий тадқиқотлар институти фаолиятининг устувор йўналишлари 1-иловага мувофиқ;

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби фаолиятининг устувор йўналишлари 2-иловага мувофиқ;

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Макроиқтисодий ва ҳудудий тадқиқотлар институти ҳамда Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби раҳбарларини тайинлаш, ҳодимларига тиббий хизмат кўрсатиш, меҳнатга ҳақ тўлаш ва устима белгилаш тартиби 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Давоми 2-бетда

ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

ЯШАШ — ИНСОННИНГ ТАБИИЙ ҲУҚУҚИ

ундан маҳрум қилишга ҳеч ким ҳақли эмас

Мамлакатимиздаги конституциявий ислохотлар, аввало, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини тўлақонли ҳимоя қилишга қаратилгани, айнан "Инсон қадри учун" тамойили асосида кечаётгани билан алоҳида аҳамиятга эга. Зеро, янги таҳрирдаги Конституциямизда аҳолининг барча тоифалари — ёшлар, аёллар, ногиронлиги бўлган фуқаролар, ўқитувчилар ва ҳатто жиноят содир этган шахсларнинг ҳам ҳуқуқ ва манфаатлари акс этган.

Давоми 2-бетда

ДАВЛАТ — ХАЛҚ УЧУН ОРОЛЬЎЙИНИНГ нурафшон тоғи

ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНГА САФАРИДАН KEYINGI ЎЙЛАР



Давримизнинг шиддати тез. Парвози баланд. Жамиятда сафарбарлик ҳисси тобора ошиб бормоқда. Одамлар эртанги кунга, буюк келажакка катта ишонч билан қарамоқда. Бундай қайфият ва умуммиллий жўшқинлик табиий равишда умумхалқ ташаббускорлигини, миллий уйғонишни юзага келтиради. Бу эса ҳақиқий тараққиётнинг, жадал ривожланишнинг муҳим асосларидан бири ҳисобланади.

Янги таҳрирдаги Конституция кенг жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватланаётган бир пайтда буюк тарихга, маҳобатли ўтмишга, бир неча цивилизацияларга гувоҳ бўлган Янги Ўзбекистоннинг фуқароси сифатида янгиланишлар

жараёнига мен ҳам алоҳида қизиқиш билан қарайман. Унда ўзимнинг, фарзандларимнинг, набираларимнинг порлоқ истиқболини кўраман.

Давоми 3-бетда

СУВ ТЕЖОВЧИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР

САРФ-ХАРАЖАТ ТЕНГ ЯРМИГАЧА ҚИСҚАРАДИ ҲОСИЛДОРЛИК ИККИ БАРОБАР ОШАДИ

Асримиз ўрталарига бориб, дунёда кузатилиши мумкин бўлган қурғоқчиликка доир прогнозлар асосида сунъий интеллект томонидан ишланган сурат ижтимоий тармоқларда кенг тарқалди. Таҳлилчилар ушбу маълумотларга таяниб, 2050 йилларда сув жаҳондаги энг қимматли табиий неъматлардан бирига айланишини тахмин қилмоқда.

Гап шундаки, БМТ Жаҳон чўлланиш ва қурғоқчиликка қарши кураш ташкилоти ўтган йили эълон қилган баёнотида 2050 йилга бориб, қурғоқчилик дунё аҳолисининг тўртдан уч қисмидан кўпроғига таъсир қилиши мумкинлигини маълум қилди. Жаҳон табиий ресурслар институти (World Resources Institute) ва Британиянинг "Economist Intelligence Unit" ташкилоти эса 2040 йилга бориб, сув танқислигига энг кўп учраши тахмин қилинаётган 33 та давлат номини эълон қилди. Улар орасида Марказий Осиё мамлакатлари, хусусан, Ўзбекистон ҳам бор.

Бошқа манбаларда эса Марказий Осиёнинг баланд тоғли ҳудудларида

даги музликларнинг катта қисми аср охирига келиб эриши мумкинлиги баъорат қилинмоқда. Олимларнинг бундай хулосага келишига музликлар майдони ҳар йили бир фоизга қисқараётгани сабаб сифатида кўрсатилган. Шу ўринда ҳақли савол туғилади: ҳақиқатан, 20-30 йилдан кейин минтақамизда ана шундай жиддий муаммо кузатиладими?

Албатта, дунё олимларининг прогнозлари бугунги кундаги ёғинлар миқдори, табиий музликлар ҳажмининг ўзгариб бориш динамикаси, мавжуд экологик ҳолат ва сув истеъмоли асосида ҳисоб-китоб қилинган. Демак,



минтақа, умуман олганда, дунё мамлакатлари айни пайтдан бошлаб вазиятни унглаш, яъни атмосферага зарарни камайтириш орқали экология барқарорлигига эришиш, сувдан тежамкорлик билан фойдаланиш чораларини

кўрмаса, бу прогнозлар маълум маънода ўзини оқлаш мантиқан тўғри бўлади. Шу боис, эртанги куни, келажакни ўйлаган барча давлатлар бунга жиддий киришмоқда.

Давоми 4-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ
АМАЛГА ОШИРИШДА ИЛМИЙ ЁНДАШУВЛАРНИ
КЕНГАЙТИРИШ ВА БОШҚАРУВ
КАДРЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ
ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

3. Институт ва Олий мактаб фаолиятининг устувор йўналишлари самарали амалга оширилишини таъминлаш мақсадида:

Институт таркибда ҳудудларда ер ресурсларидан унумли фойдаланиш ва уларни оптимал тақсимлаш орқали бандлиқни таъминлаш, аҳоли даромадларини ошириш юзасидан муаммоларни ўрганиш ва амалий тақлифлар тайёрлашга йўналтирилган юридик шахс бўлмаган “Ер ислохотлари маркази”;

Олий мактаб тузилмасида юридик шахс бўлмаган “Яшил иқтисодиётни илгари суриш ва жорий этиш” лойиҳа офиси ва Бизнес инкубатор ва стартап лойиҳалар билан ишлаш маркази ташкил этилсин.

4. Вазирлар Маҳкамаси (Ж.Қўчқоров):

Институт ва Олий мактабнинг бошқарув ҳамда илмий педагогик ходимларини аттестациядан ўтказиш ҳамда замонавий талабларга мос юқори малакали кадрлар билан тўлдириш;

Институт ва Олий мактабнинг Васийлик кенгаши орқали уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб бориш ва моддий-техника базасини яхшилаш чораларини кўрсин.

5. Ҳудудлар ва соҳалар кесимидаги муаммоларни жойларга чиқиб ўрганиш, аҳоли ва тадбиркорлар ўртасида сўровномалар олиб бориш, мунтазам равишда Ўзбекистон иқтисодчилар форумини ташкил этиш, хорижий экспертларни жалб қилиш ҳамда ходимларни моддий рағбатлантириш мақсадида Институт

қошида юридик шахс бўлмаган **Тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш жамғармаси** ташкил этилсин ва унинг молиялаштириш манбалари этиб қуйидагилар белгилансин:

Давлат бюджетидан **ҳар йили** Институтнинг бир йиллик меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасининг **40 фоизи** миқдориди ажратиладиган маблағлар;

қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар.

6. Қуйидагилар Институт ва Олий мактаб фаолиятининг молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

2023 йилда Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети параметрларида **Институт ва Олий мактаб фаолият кўрсатиши учун назарда тутилган маблағлар**, **2024 йилдан** бошлаб белгиланган тартибда Давлат бюджети параметрларида кўзда тутилаётган маблағлар; жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари ва қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

7. Вазирлар Маҳкамаси **икки ой мuddатда** Институт ва Олий мактаб фаолиятини самарали йўлга қўйиш, уларнинг низомиларини тасдиқлаш, моддий-техника базасини яхшилаш ва бошқа ташкилий-техник масалаларни назарда тутувчи қарорни қабул қилсин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Ж.А.Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
ПрезидентиТошкент шаҳри,
2023 йил 4 апрель

Ш. МИРЗИЁЕВ

Хорижий дипломатлар:

“ЎЗБЕКИСТОННИНГ МИНТАҚА ЭКОТИЗИМИНИ АСРАБ ҚОЛИШ
БОРАСИДАГИ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРИГА МУВАФФАҚИЯТЛАР ТИЛАЙМИЗ”

4 апрель куни Тошкентда аккредитациядан ўтган хорижий дипломатик корпус вакиллариининг катта гуруҳи Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ шаҳрида бўлди. Мўйноқ аэропортида дипломатларни республика ва шаҳар расмийлари кутиб олди. Сўнгра дипломатлар Орол денгизининг қуриган туби ҳудудига борди, шунингдек, Орол денгизи тарихи музейи экспозицияси билан танишди.

Чет эллик дипломатлар мамлакат раҳбарияти томонидан Оролбўйи экологиясини тиклаш бўйича олиб борилаётган ишлар билан танишдилар: саксовул плантацияларига ташриф буюриб, кўчат экиш жараёнини кузатдилар.

Эслатиб ўтамиз, Орол денгизининг қуриган тубида ўрмон плантацияларини барпо этиш бўйича 2018 йил декабрь ойида бошланган давлат дастурига мувофиқ, бугунги кунга қадар 1 миллион 730 минг гектар ўрмонга кўчатлар еқилган.

Сафар доирасида табиий ресурслар, инвестициялар, саноат ва савдо вазирликлари ҳамда БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси томонидан Орол фожиаси оқибатларининг олдини олиш бўйича амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари тақдимоги ўтказилди.

“Дунё” ахборот агентлиги мухбири делегациянинг айрим аъзолари билан суҳбатда бўлди.

Мунир МАМЕДЗАДЕ,
БМТ Болалар жамғармасининг
(ЮНИСЕФ) Ўзбекистондаги
ваколатхонаси раҳбари:

— Қорақалпоғистонга тез-тез келсамда, биринчи марта Оролбўйини кўриш имконига эга бўлдим. Бугун Орол фожиаси оқибатларини бартараф этиш борасида амалга оширилган ишларнинг қўламини ўз кўзим билан кўрдим. Бунга имконият яратгани учун ташкилотчилардан миннатдорман.

Бу жуда муҳим, чунки биз, дипломатлар ҳам бу жараённинг бир бўлаги ҳисобланамиз. БМТнинг Оролбўйи ҳудуди учун инсон ҳафсизлиги бўйича кўпшарлиқлиқ траст фонди билан ҳамкорлик қиламиз. Биз, ЮНИСЕФ ва БМТнинг бошқа агентликлари жойлардаги дастурларда иштирок этамиз. Бундан ташқари, сизларга маълумки, Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан БМТ Бош Ассамблеяси томонидан Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди, деб эълон қилиш тўғрисидаги махсус резолюция қабул қилинган.

Ўз навбатида, ҳудудда экотизимни тиклаш, ушбу экологик офатнинг

болалар, ўсмирлар ва ёшларга таъсирини камайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу борада ҳозир амалга оширилаётган ишлар келажак учун катта наф келтиради. Умид қиламизки, биргаликдаги ишларимиз маҳаллий аҳоли манфаатларини таъминлашга кўмаклашади.

Биз Ўзбекистон раҳбариятининг Оролбўйи минтақасини қўллаб-қувватлаш, халқаро ҳамжамият эътиборини ушбу умумбашарий муаммага қаратиш, маҳаллий аҳоли учун энг яхши турмуш шароитларини яратиш учун давлат тузилмаларини сафарбар этиш борасидаги сиёсий иродасини олқишлаймиз.

Язгули МАММЕДОВ,
Туркменистон элчиси:

— Қорақалпоғистонга етиб келиб, Мўйноқ шаҳрини зиёрат қилдик. Орол денгизидagi кемалар қабристонини кўрдик. Дарҳақиқат, жуда таъсирчан манзара.

Биз минтақада Орол денгизининг қуриган тубида ўрмонлар барпо этиш борасида жуда улкан ишлар амалга оширилаётганига бевосита гувоҳ бўлдик.

Бу борадаги ишларининг муваффақиятлар тилаймиз. Бу йўналишдаги саъй-ҳаракатларнинг барчаси минтақамиз экотизимини асраб қолишга кўмаклашади, деб ишонч билдираимиз.



Ўз ҳудудида бундай ўта муҳим масала билан шуғулланаётгани жуда катта эътиборга моликдир”, деди.

Константин Оболенскийнинг айтишича, БМТ буни замонавий дунёдаги энг катта офатлардан бири, деб тан олган ва бугунги кунда мавжуд бўлган барча энг яхши технологиялардан фойдаланган ҳолда, ушбу муаммони ҳал қилиш жаҳон ҳамжамияти учун жуда муҳимдир.

Константин ОБОЛЕНСКИЙ,
Швейцария элчиси:

— Шубҳасиз, биз бу ерда жиддий экологик фалокатни кўриб турибмиз. Унинг оқибатларини фақат биргаликдаги саъй-ҳаракатлар билан юмшатиш мумкин.

Шунингдек, элчи 2018-2023 йилларда яратилган 1 миллион 730 минг гектар майдондаги ўрмон аллақачон наф келтираётгани ва бу жараёни давом эттириш зарурлигини қайд этди.

Элчи Ўзбекистон раҳбарининг Орол денгизининг қуриган тубида ўрмон плантацияларини яратиш ташаббуси хусусида тўхталар экан, “Давлат ҳақиқатан



ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

ЯШАШ — ИНСОННИНГ ТАБИЙ ҲУҚУҚИ
УНДАН МАҲРУМ ҚИЛИШГА ҲЕЧ КИМ ҲАҚЛИ ЭМАС

**Иномжон ҚУДРАТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар,
нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш
органлари қўмитаси раиси ўринбосари**

Бошланиши 1-бетда

Айниқса, ўлим жазоси тақиқланиши конституциявий даражада белгиланиши инсонпарварликнинг муҳим ифодасидир.

Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг ажралмас ҳуқуқи бўлиб, қонун билан ҳимоя қилинади. Унинг мазмуни шундаки, ҳеч кимни атайлаб ҳаётдан маҳрум қилиб бўлмайди. Шунингдек, яшаш ҳуқуқи давлат зиммасига инсон ҳаёти ҳавф остида қолмаслиги учун ҳамма нарсани қилиш мажбуриятини юклайди. Ушбу норма Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги конвенцияда, шу билан бирга, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактда ҳам назарда тутилган. Шахсининг яшаш ҳуқуқи айнан туғилган пайтдан бошлаб вужудга келадиган табиий ва дахлсиз ҳуқуқ, деб эътироф этилади ҳамда у давлатчилик ва қонунлар мавжудлигидан қатъи назар, шахсга тегишлидир.

Шу сабабли аҳолидан келиб тушган қўллаб-тақлифлар таҳлил қилиниб, ушбу масалага доир нормани янада такомиллаштиришга қарор қилинди. Янги тахрирдаги Конституцияда яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг ажралмас ҳуқуқи экани ва у қонун билан муҳофаза қилиниши, инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятлиги мустақамлаб қўйилмоқда. Шу билан бирга, Ўзбекистонда ўлим жазоси тақиқланиши ҳақидаги норма ҳам киритилаётди.

Аслида, Ўзбекистонда 2008 йилда барча жиноятлар учун ўлим жазоси бекор қилинган. Бу қонда Конституцияда эмас, балки жиноят қонунчилигида ўз аксини топган эди. Ўлим жазоси тақиқланишининг конституциявий даражада белгиланиши инсонни ҳаётдан ҳатто давлат ҳам маҳрум этишга ҳақли эмаслигини қафолатлайди.

Шунга қарамай, айрим фуқаролар ўлим жазосини тиклаш, уни жиноят қонунчилигига қайта киритиш ҳақидаги тақлифларни илгари сурмоқда. Ваҳоланки, яшаш ҳуқуқини ҳар бир инсонга давлат эмас, Яратганнинг ўзи ато этган. Шу жиҳатдан

қараганда, ўлим жазосига Конституция даражасида тақиқ қўйилиши инсон қадрини улуглаш билан боғлиқ муҳим воқелиқдир.

Бугунги кунда дунёнинг қатор мамлакатларида ўлим жазоси ҳалиям қўлланади. Аммо жазо ижросидан муайян муддат ўтган, тақдим этилган далиллар, кўрсатмалар асосида оқланганлик ҳолатлари ҳам кузатилган. Бироқ тайинланган жазо ижроси таъминлангандан сўнг бу инсон ҳаётини ортга қайтаришнинг имкони бўлмайди.

Демак, номукамал суд тизимидаги бир хато инсоннинг умрига зомин бўлиши мумкин. Чунки эртага суд оқлов ҳукми чиқарадиган бўлса, ноҳақ айбланган инсонни ортга қайтариб бўлмайди. Инсон зоти бундай қарор чиқариши одамийлик мезонларига тўғри келмайди, албатта. Ваҳоланки, сўнгги йилларда мамлакатимизда кўзгатишган жиноят ишлари юзасидан бир қанча оқлов ҳукмлари ҳам чиқарилмоқда (масалан, судлар томонидан сўнгги беш йилда 4700 дан ортқ фуқаро оқланган).

Кечиримлилик — халқимизга хос фазилат. Давлат хато қилган фарзандини кечирувчи ота-она сингари ўз фуқароларига қайта имконият тақдим этиши жуда муҳим. Бу фуқаронинг давлатга ишончи ва меҳрини ҳис этишида муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Жиноят қилган инсонни жазолашдан мақсад уни қайта тарбиялаш, хатоларини англаб етишига эришиш. Кўпчилик жиноятга адашганидан қўл уради ва бошқа ҳеч қачон бу ишни қайтармасликка виждонан аҳд қилади. Бундай инсонларни панжара ортида ушлаб туришдан нима наф? Озодликка чиқсин, сидқидилдан ишлаб, ота-онаси, яқинлари, маҳалла-қўй, жамият олдидаги айбини ювсин. Шу сабабли ҳам сўнгги йилларда маҳкумларни афв этиш ва қайта ижтимоийлаштириш сиёсати амалда ижобий натижалар бермоқда. Давлатимиз раҳбари томонидан 2017 йилдан буён афв этиш билан боғлиқ 21 та фармон эълон қилинди. Мазкур фармонлар асосида жазо муддатини ўтаётган 5550 дан зиёд шахс афв этилди.

Бейбут АТАМҚУЛОВ,
Қозоғистон элчиси:

— Бугун биз Орол денгизининг қуриб бораётган тубини бориб кўрдик. 150 километрга яқин масофани босиб ўтдик, жуда катта ҳудудда экологик офат оқибатларини юмшатиш бўйича кўрилатган чора-тадбирлар самараси билан танишиш имконига эга бўлдик. Бу ишларнинг барчаси Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг бевосита раҳнамолигида амалга оширилаётгани таҳсинга сазовордир. Бу минтақамиз тараққиётига, Орол денгизининг қуриши бўйича глобал экология муаммосини ҳал этишга қўшилаётган улкан ҳиссадир.

Қозоғистон элчиси сифатида шуни айтмоқчиманки, бу муаммо бизнинг мамлакатимиз учун ҳам долзарб. Унинг салбий оқибатларини ҳудди Қорақалпоғистондаги каби миллионлаб қозоғистонликлар ҳам бошдан кечирмоқда.



Бугун биз Орол денгизининг қуриган тубида олиб борилаётган ишлар самарасини кўрдик — кенг ҳудудларда яшил майдонлар барпо этилган.

Табиат ўзини ўзи даволайди, лекин унга ёрдам керак. Ўзбекистоннинг барча қадамлари самарали бўлишига ишонаман.

Биз Ўзбекистоннинг минтақа экотизимини сақлаш ва маҳаллий аҳолини қўллаб-қувватлаш борасидаги барча саъй-ҳаракатларини ҳурмат қиламиз ва қўллаб-қувватлаймиз.

Абдураббобор
РАҲМОНЗОДА,
Тожикистон элчиси:

— Оролбўйидаги экологик инқироз билан яқиндан танишиш учун келдик. Орол денгизидан нима қолганини ва у қандай жид-

дий муаммоларга олиб келганини ўз кўзимиз билан кўрдик.

Бугун дипломатия корпуси вазият билан бевосита жойида танишиш, шунингдек, Орол денгизининг қуриган тубида ўрмон плантацияларини яратиш бўйича давлат дастурини амалга оширишнинг натижалари билан танишиш имконига эга бўлди.

Биз бажарилган ишлардан хайратдамиз. Бу ерга саксовул кўчатларини экиш орқали ўз ҳиссамизни қўшганимиздан жуда мамнун бўлдик.

Ўзбекистоннинг Орол экотизимини тиклаш ва денгиз қуришнинг салбий оқибатларини юмшатиш борасидаги саъй-ҳаракатлари янада самарадор бўлишига ишонамиз.

“Дунё” АА



ДАВЛАТ — ХАЛҚ УЧУН



ОРОЛБЎЙИНИНГ нурафшон тоғи

ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНГА САФАРИДАН КЕЙИНГИ ЎЙЛАР



Оқил САЛИМОВ,
академик

Бошланиши 1-бетда

Кўп йиллик амалий ва ҳаётий тажрибам, турли даврлардаги сиёсий режимлар ва тузумларни кўрган бир фуқаро сифатида Конституциянинг биринчи моддасиёқ менинг қалбимни тўлқинлантириб юборади. Бот-бот, қайта-қайта Конституцияга назар ташлар эканман, унда шонли, шукҳли, жаҳон ҳамжамиятида ўз сўзи, ўзининг қатъий сиёсий позицияси билан катта мавқега эга бўлган давлатимнинг, улкан тарих ва маданиятга ворислик қилаётган она халқимнинг қиёфасини кўраман.

Янги таҳрирдаги Конституция матинини ўқир эканман, анча катта меҳнат, илмий салоҳият, назарий-фундаментал асос, жаҳон конституциявий илғор тажрибалари билан миллий қадриятларимиз, бир неча минг йиллик давлатчилик тажрибаларимиз, халқимизнинг маънавий-руҳий қадриятлари уйғунлашган маҳобатни кўраман.

Тўғри. Янги таҳрирдаги Конституция олдингисидан кўра 65 фоизга кенгай-

Ижтимоий давлат инсон кадр қиммати ҳамма нарсадан улуғ, инсон шайни, ҳар нарсадан муқаддас, деган ғоят инсонпарвар ва адолатли концепцияга асосланади. Демак, Янги Ўзбекистонда Президент Шавкат Мирзиёевнинг “Халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қилиши керак”, деган сиёсий концепцияси қонун билан қафолатланиб, Конституцияга асос қилиб олиниб, “Аввал — инсон, кейин — жамият ва давлат” тамойили истиқболли ҳимоя қиладиган Асосий қонун дунёга келди.

Янги таҳрирдаги Конституциянинг биринчи моддасида давлат сиёсатининг ҳам, жамият қарашлари ва буюқ мақсадларининг ҳам, ҳар бир фуқаро мавжудлиги, кадр қиммати, шайни, шахсияти ва бахтли-саодатли келажаги ўз ифодасини тоғгани унинг бутун қадриятини белгилайди.

Янги Ўзбекистоннинг янги таҳрирдаги Конституциясини қабул қилиш жараёнида, умумхалқ референдумига катта тайёргарлик кўриладиган ҳозирги шароитда жамиятнинг кўтаринки кайфияти, умумий мақсадлар атрофида бирлашиш руҳияти тобора чуқурлашиб бормоқда. Ҳар бир фуқаро Конституцияда ўз тақдирини, оиласи, фарзандлари истиқболлини, уларнинг бахтли, саодатли, тинч ва фаровон келажагини кўрмоқда. Шунинг учун уни яқдллик билан қўллаб-қувватлаш тадоригидамиз.

Инсониятнинг кўп минг йиллик тараққиёти шундан далолат берадики, қачонки жамиятда руҳий кўтаринкилик, ташаббускорлик, келажаққа интилиш ҳисси кучайган даврларда мисли кўрилмаган тараққиётга эришилган.



транспорт, ижтимоий соҳа тармоқлари кенг ривожланди. Олис туманларда турмуш маданияти, аҳоли дунёқарашини бойитадиган замонавий ишлаб чиқариш корхоналари барпо этилди.

Инсон тафаккури ҳамиша ўзига хос ижобий таъсирлар, замонавий цивили-



ўрнатилди. 500 иш ўрни яратилди. Туман миқёсидаги бундай силжиш йилига олти миллион долларлик маҳсулотни экспорт қилиш имконини беради. Бу туман аҳли турмуш тарзида ҳам, унинг фаровон ва саодатли ҳаётида ҳам, маҳаллий бюджет самарадорлигини оширишда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Кегейли туманида ушбу корхонанинг қурилиши ва фойдаланишга топширилиши янги меҳнат соҳасини, олдин кўрмаган ва тасаввурига сиймайдиган касбларни эгаллаш эҳтиёжини туғдирди. Натижада корхона қошида янги касб ва хунарга тайёрлайдиган ўқув маркази барпо этилди. Унда бир қатор маҳаллалардаги ишсиз фуқаролар хунарга ўрганиб, жамиятда ўз йўлини топди. Шу билан унинг жамиятга дахлдорлик, давлат олдидаги мажбурият, фуқаро сифатидаги ташаббускорлиги ва ўз келажагига ишонч ҳисси кучайди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Қорақалпоғистон Республикасини иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш масалаларини республика фаоллари билан биргаликда кенг муҳокама қилди. Йиғилиш аввалида Оролбўйи во-

инвестиция ҳисобига беш минг уч юздан зиёд лойиҳа амалга оширилди. Энг муҳими, **қорақалпоқ халқига ташаббускорлик ҳисси кучайди. Яратувчилик, бунёдкорлик кўникмаси ҳосил бўлди. Буни кейинги йилларда тadbиркорлар сонининг икки баробар ошганида, жами 46 мингта доимий иш ўрни барпо этилганида кўриш мумкин.** Яна бир жиҳат диққатга сазоворки, саноат ишлаб чиқариши жуда паст бўлган олти туманда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш икки-уч баробар ошиб, халқ фаровонлиги бирмунча кўтарилди.

Президентимизнинг 2022 йил 31 августдаги “Қорақалпоғистон Республикасида тadbиркорлик, инновацион технологиялар ва инфратузилмаларни жадал суръатларда ривожлантириш орқали аҳоли фаровонлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” қарори билан ушбу фармон асосида кенг миқёсдаги дастур қабул қилинган эди. Ана шу фармонга мувофиқ, 2023 йилда 670 миллиард сўм ва 340 миллион доллар маблағ ажратилди.



ҳасида барпо этилган бир йўла олти янги корхона ишга тушириш маросимини ўтказди. Бу ўлка учун жуда катта ижтимоий, иқтисодий ҳодиса эди.

Беруний туманида “Беруний бугдой кластер”, “Райхон аппарат”, Қораўзак туманида “Қорақалпоқ цемент” заводининг учинчи босқичи, Қўнғирот туманида “ҚҚРаси кемикал”, Нукус шаҳрида “Азимут ҳотел”, Тўртқўл туманида “Хозаро” вакиллари ўз корхоналари ва ташиқлотларининг ишлаб чиқариш салоҳияти, уларнинг жамият тараққиётига қўшадиган ҳиссаси тўғрисида ҳисобот берди. Мазкур корхоналарда 1100 та доимий иш ўрни яратилгани, улар 300 миллиард сўмлик, экспортга 20 миллион доллар маҳсулот ишлаб чиқариши ва шу билан воҳа тараққиётига катта ҳисса қўшилиши таъкидланди.

Қорақалпоғистоннинг кейинги йиллардаги тараққиёти фақат шугина эмас. Бу ерда ўтган олти йил мобайнида 15 триллион сўм ҳажмдаги

Воҳада тadbиркорлиқни ҳар томонлама ривожлантириш, соғлом ва сифатли бизнес шароитини вужудга келтириш учун турли йўналишдаги солиқлар икки баробар камайтирилди. Бу ўзининг самарасини берди.

Халқимизда “Бирлашган ўзар, бирлашмаган тўзар” деган мақол бор. Оролбўйи минтақасини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги, саноат ва ижтимоий соҳани ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида мамлакатимизнинг барча вилоятлари ўз ҳиссасини қўшди. Ягона Ватан, ягона тақдир ва буюқ келажақ ҳаммамизники, деган умуммиллий сافарбарлик амалга оширилди.

Қорақалпоғистон фаоллари ва кенг жамоатчиликнинг Президентимиз Шавкат Мирзиёев билан учрашуви, айтиш мумкинки, воҳанинг кейинги йиллардаги тараққиётида янги даврни бошлаб берди. Жумладан, давлатимиз раҳбари Қорақалпоғистон аҳолиси

турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган учта янги ташаббусни ўртага ташлади.

Биринчи ташаббус. Президент Қорақалпоғистондаги 452 маҳалланинг ҳар бирига тўғридан-тўғри 500 миллион сўмдан қўшимча маблағ ажратиб, Қорақалпоғистон маҳаллаларини қўллаб-қувватлаш жамғармасини ташкил этиш, унга шу йилнинг ўзида 250 миллиард сўм йўналтириш зарурлигини айтиди.

Зотан, маҳалла — ҳаёт ўчоғи. Аҳоли турмуш тарзини яхшилашнинг энг реал, самарадор ва тез натижа берадиган маскани. Маҳаллани ривожлантириш ва уни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш маҳалла ҳудудида яшайётган ҳар бир фуқаронинг кундалик эҳтиёжлари, ташвиши ва муаммоларини ҳал этишнинг ишончли механизмидир.

Иккинчи ташаббус. Кадастри бўлмаган 38 минг уй-жой ва кўчмас мулкларни кадастрдан ўтказиш, уларнинг мулкий мақомини тасдиқлаб бериш ва зифаси маҳаллий бошқарув органлари зиммасига юклатилди. Бу жуда катта ижтимоий-иқтисодий имконият бўлиши билан бирга, фуқароларни кўтаринкилик ва хушқайфият муҳитига олиб келади. Демак, шунча оила қонуний мулк эгасига айланади!

Учинчи ташаббус. Воҳа аҳолиси ҳаётий эҳтиёжлари ва турмуш шароитини ҳисобга олиб, шу йилнинг ўзида 4 мингта уй-жой қурилиши, бунга қўшимча равишда энг замонавий лойиҳалар асосида 4 мингта яқка тартибдаги уй-жойлар қурилиши учун 4 сотихдан ер ажратилиши таъкидланди.

Айтиш мумкинки, бундай кенг қўллаб-иқтимоий сиёсат Қорақалпоғистон аҳли турмуш тарзининг бутунлай сифат ўзгаришига, ҳаёт мазмунини ошишига, фуқаролар қалбига эса келажаққа ишонч ҳисси кучайишига олиб келади.

Узлуқсиз таълимнинг барча бўғинларини бутун чоралар билан яхшилаш, аҳолини тоза ичимлик сув билан таъминлаш, замонавий солиққини сақлаш муассасаларини қуриш ва соҳани кенг қўллаб-қувватлаш, шу орқали ижтимоий ҳаёт сифатини яхшилаш ва самарадорлигини ошириш чоралари қўрилади.

Қорақалпоқ санъати, адабиёти ва маданияти катта тараққиёт йўлини босиб ўтди. Бироқ замон талаби, Янги Ўзбекистон шароитида унинг ҳозирги ҳолати соҳага бутунлай янгича муносабатни тақозо этмоқда. Президент Шавкат Мирзиёев Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат академик мусикали театрида бўлди. Ушбу санъат қошонасида кўп миллатли Ўзбекистон халқининг умумий бирлиги ва миллатлараро тотувлигига бағишланган маданий тadbирда иштирок этди.

Маълумки, ушбу театр қарийб юз йиллик тарихга эга. У турли замонларнинг, турли сиёсий қарашларнинг хилма-хил ҳолатларига бардош бериб яшади. Миллий санъатнинг ривожланишига муҳим таянч бўлиб хизмат қилди. Шу кунларда театр қорақалпоқ санъати ривожига, хусусан, ёшлар тарбияси ва аҳолининг маданий ҳаётида муносиб ўринга эга.

Уни ҳар томонлама ривожлантириш ва театр санъати орқали қорақалпоқ миллий маданиятини янги поғонага олиб чиқиш зарурлигини Президент алоҳида таъкидлади. 2017 йилда ушбу санъат жамоасига академик театр мақоми берилди. Бино жорий таъмирланиб, янги асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.

Ўзбек ва қорақалпоқ халқлари икки тилда сўзлашувчи битта эл. Қардошу жондош, ўтмишию истиқболи бир бўлган, ягона тақдир ва ягона келажақ ғояси билан яшайётган халқлар. Президент Шавкат Мирзиёев Қорақалпоғистон зиёлилари, санъат ва маданият арбоблари, бадий ижод вакиллари билан ушбу масканда учрашиб, юқоридаги умумий бирлик, миллий ахлитлик, бир-бирини қўллаб-қувватлашдаги тажрибаларимизни янада бойитиб, уни замон талаблари асосида ҳар томонлама ривожлантириш зарурлигини таъкидлади.

Қорақалпоғистон тарихида янги тараққиёт даври бошланди. Ўлка ўзининг бутун ер ости ва ер усти бойликлари билан, аҳолисининг катта интеллектуал салоҳияти, ақлий имкониятлари, бунёдкорлик, яратувчилик иқтидори билан буюқ келажагини қуришга қодирлигини намойён этмоқда.



ган. 128 моддадан 155 моддага оширилган. Кирилтилган янги таҳрирдаги моддаларнинг асосий қисми инсон, унинг шайни, кадр қиммати, яшаш ҳуқуқи ва ҳаётни қафолатларидан иборат. Бу Янги Ўзбекистоннинг янги таҳрирдаги Конституцияси тобора инсонийлашганидан, кенг қўллаб-қувватлаш давлат сиёсати тобора такомиллашиб бораётганидан далолат беради.

Турли даврларда, турли сиёсий режим шароитида турли Конституцияларни кўрдим. Уларни бир-бир кўздан кечирдим. Янги таҳрирдаги Конституцияга кўз югуртирар эканман, унинг биринчи моддасиёқ диққатимни тортиди. Бундан қувониб кетдим, жуда катта ҳуқуқий, сиёсий, маънавий сакраш юз бераётганини чуқур англадим. Янги Ўзбекистонда бутунлай янги, дунё конституцияларидан фарқли, уларнинг биронтасида ўз аксини топмаган сиёсий-ҳуқуқий ғоя илгари сурилади. Зотан, унинг биринчи моддасида демократик, ҳуқуқий ва ижтимоий қадриятлар ўз ифодасини тоғган. Маълумки, ижтимоийлик тушунчаси инсон, унинг кадр қиммати, шайни мавжудлигини билдиради.

Ҳозирги шароитда Янги Ўзбекистонда янгича тафаккур, қатъий ва узоқни кўзлаган мақсад, жамият, халқ ва давлат ишга дахлдорлик ҳисси ошиб бораётгани тараққиётнинг янги даврини далолат беради. Буни Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 30 март кунги Қорақалпоғистон Республикасида бўлгани ва Оролбўйи минтақасида амалга оширилган ишлар, буюқ келажаққа қаратилган залварли режалар ва улкан мақсадларни кўриб, воҳада соғлом ижтимоий вазият, мустаҳкам маънавий ва руҳий кўтаринкилик мавжудлигига гувоҳ бўлдим. Оролбўйи халқларининг айнаи ана шундай кайфияти ва ўз келажагига, тақдирига юксак ишончи воҳа тараққиётининг ғоят катта миқёсдаги қўламиндан далолат беради.

Қорақалпоғистон кейинги йилларда катта тараққиёт йўлига чиқиб олди. Саноат ишлаб чиқариши ва қишлоқ хўжалигида бутунлай янгича муносабат юзага келди. Бир қатор туманлар яқин йилларга ҳақат қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш билан шуғулланар эди. Кейинги йилларда туманларга саноат кириб келди. Замонавий алоқа,

зация ютуқлари замирида шаклланади. Бир хил турмуш тарзи чуқур илдиз отган, ҳаётни фақат биқик ва доимий шуғулланадиган ишидан иборат деб билган микромақомга янги саноат корхонасининг кириб келиши ўша микроҳудуд учун микроцивилизациянинг ўзгинасидир. Фақат қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришга кўникиб қолган одамлар ҳаётига айнаи шу маҳсулотларни қайта ишлайдиган корхоналарнинг барпо этилиши туб аҳоли дунёқарашини ўзгартирди. Уларнинг турмуш маданияти, ақлий салоҳияти, интеллектуал имкониятлари кенгайди.

Тасаввурда бўлмаган, ҳаёлотига сиймайдиган касблар, хуналар, иш соҳалари пайдо бўлдики, бу уларнинг ҳаётга қизиқишини, ҳаётнинг гўзаллиги, мазмун тобора ўзгариб бораётганини кўрсатади. Энг муҳими, ана шу жиддий ўзгаришларнинг, янгиланишларнинг фаол иштирокчисига айланди. Аҳоли вужудидаги бунёдкорлик, яратувчилик имкониятлари кенгайди. У бошқа одамга, замонавий фикрлайдиган, ўз ҳаётини ўзи қуриб, йўлга соладиган, ўзининг турмушига ўзи мазмун киритадиган цивилизациялашган даврининг цивилизациялашган одамига айланмоқда. Қорақалпоғистон халқининг буюқ қудрати, унинг инсоний сифати ана шу билан белгиланади.

Кегейли туманида саноат корхонаси илгари бўлмаган. Кейинги йилларда ана шу туманда “Ақтуба текстиль” корхонаси барпо этилди. Битта саноат корхонасининг ишга туширилиши шу туман аҳолиси дунёқарашини кескин ўзгартирди. Асосан, аёллар ишлайдиган корхонанинг барпо этилиши оила муҳитини ҳам, оналик ва фуқаролик ҳиссини ҳам ўзгартириб юборди. Ушбу корхона йилига уч миллион дондан ортқик трикотаж ишлаб чиқаради. Фабрикага Германия, Япония ва Туркиядан энг замонавий ускуналар олиб келиб,

БУГУННИНГ ГАПИ

ЎҚИТУВЧИ МАҚОМИНИНГ ЮКСАЛИШИ

Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этиш сари катта қадамдир

Исмоил САИФНАЗАРОВ,
фалсафа фанлари доктори, профессор



Бугунги кунда мамлакатимизнинг ҳар бир бурчагида, давраларда, барча оммавий ахборот воситаларида, ижтимоий тармоқларда конституциявий қонун лойиҳаси қизғин ва ғаол муҳокама қилинмоқда. Бу орқали юртдошларимиз ўз ҳақ-ҳуқуқларига бефарқ эмаслигини намоён этиб, халқ сифатида эртанги кунига дахлдорлик намунасини кўрсатаётгани бор гап.

асоси сифатида эътироф этилади. Давлат ўқитувчиларининг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий ва моддий фаровонлиги, касбий жиҳатдан ўсиши тўғрисида ғамхўрлик қилади”, деб белгилаб қўйилган.

Конституциямизга ўқитувчининг қадр-қимматини муҳофаза қилиш тўғрисидаги қоида киритилиши узоқни кўзлаб қилинган савобли ишдир. Германия канцлери Отто фон Бисмарк “Буюк Германияни оддий ўқитувчилар шакллантиради”, деб айтган эди. Дарҳақиқат, инсон жамиятини, таълим эса инсонни ўзгартиради. Таълимнинг марказида эса ўқитувчи шахси туради. Шундай экан, муаллимнинг ҳурматини жойига қўйишимиз керак.

Тараққиётнинг тамал тоши ҳам, мамлакатни қудратли, миллатни буюк қиладиган куч ҳам илм-фан, таълим-тарбиядир. Шунинг учун юртимизда ўқитиш тизимини комплекс ривожлантириш, малакали кадрлар тайёрлашга катта куч ва маблағ йўналтирилмоқда. Бугунги модернизация жараёни, ислохот ва ўзгаришлар натижадорлиги мактаб таълимига, янги авлод кадрлари етиштириш масаласига бориб тақалаётир. Шу сабабли Президентимиз ўқитиш соҳасига қуюнчақлик билан эътибор қаратаяпти. Зотан, мамлакат келажаги, барча соҳа ва лойиҳаларнинг муваффақияти билимли инсонларга боғлиқлиги кундек равшанлашмоқда. Таълим сифатини яхшилаш,



ўқитувчилар мавқеини ошириш бўйича кўп иш қилинди.

Айниқса, олдинлари ўқув йили ибтидосини, муаллимнинг ёзилмаган йиллик иш режасини пахта мавсумининг бошланиши белгилаб берарди. Қҳаратон қишга қадар давом этадиган бу мавсумни ўқитувчи ўқувчилари билан бирга ёлланма теримчи сифатида далада ўтказарди. Бироқ шу билан унинг ёлланма ишчилигига яқун ясалмасди. Қишда бир муддат касби билан шугулланишига имкон берилса-да, бир дунё

қоғозбозлиқдан ортиб, ўқувчиларига вақт ажратолмай қоладди. Баҳор бошланиши билан яна дала юмушларига жалб қилинарди. Бундан ташқари, ободонлаштириш, қурилиш ишларида дастёрлик ҳам педагогларнинг зиммасида эди. Бу хизматлари учун эса арзимаган маош тўланарди. Муаллимнинг обрўси, шаъни, қадри ҳаминқадар баҳолангани тўғрисида аксарият ўқитувчилар ишини ташлаб, бошқа соҳаларга ўтиб кетди. Тизимда эркак педагоглар деярли қолмади. Ўқитиш сифати ва

Биз бугун Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишни мақсад қилдик. Маърифатли инсонга маълумки, жамият тараққиёти асосини илм-фан, таълим-тарбия, санъат, адабиёт, янги технология, инновациялар ташкил этади. Илм-фанни эса, албатта, ўқитувчи, устоз ўргатади. Таълим-тарбия ишини юқори даражага кўтармоқчи бўлсак, биринчи навбатда, муаллимларнинг ижтимоий мақомини кўтаришимиз керак.

ЎШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ

БОЛАЛИКДАГИ ОРЗУМНИ УШАЛТИРГАН ВОҚЕА

Иброҳимжон ЖЎРАБОЕВ,
Римдаги Ла Сapienza университети магистранти,
“Эл-юрт умиди” жамғармаси стипендиати

Болалик чоғимдан тарих, география ҳамда давлатлараро дипломатик муносабатларга қизиқишим катта. Айниқса, Италия маданият ва эстетик жиҳатдан жуда жозибадор туюлар, шунинг учун дунёдаги гўзал шаҳарлардан бири — Римда яшаб, таълим олгим келарди. 2021 йили Тошкент давлат шарқшунослик университетининг бакалаврият босқичини тамомлаб, XIV асрда асос солинган энг қадимий ва нуфузли олий таълим муассасаларидан бири — Римдаги Ла Сapienza университети (Sapienza University of Rome)нинг магистратура босқичига ўқишга қабул қилиндим.

Ўқишга қабул қилинган вақтим партиялардан бирининг марказий кенгашида фаолият юритардим. Табиийки, чет элдаги нуфузли олийгоҳга ўқишга кирганимни ҳамма эшитди. Биласиз, Римда ўқиш, яшаш осон эмас. Бироқ мен вазиятдан чиқиб, орзумга етишим керак эди. Ҳамкасбларим “Эл-юрт умиди” жамғармаси танловида қатнашиш учун ҳужжат топширишимни тавсия этганида аввалгига ишонқирамадим. Жамғарма сайтидаги маълумотлар билан танишдим. Шундан сўнг ҳужжатларимни сайтга юклдим. Танлов муддати тугашига бир неча соат қолганида жамғармадан кўнғироқ бўлди. Ҳужжатларим барча талаблар-

га тўғри келаётгани, фақат жамғарма раиси номига ариза етишмаётганини айтишди. Шу кўнғироқдан сўнг аризани тўлдириб, юбордим. Шу билан танловда ғолиб бўлдим ва жамғарма стипендиатига айландим.

Римдаги Ла Сapienza университетида яхши маънода ажаблантирган асосий жиҳат академик ва шахсий эркинлик бўлди. Талабага мустақил шахс сифатида қаралади. Унинг юриш-туриши, кийими, соҳ турмаги ва шахсий имижига боғлиқ бошқа барча жиҳатлар университет маъмурияти ва профессор-ўқитувчиларни мутлақо қизиқтирмайди. Чунки уларнинг бундан бошқа муҳимроқ ишлари бор. Ўз ўрнида про-



фессорлар ҳам давомат статистикаси ва шунга ўхшаш масалалар тўғрисида қайғурмайди. Асосий эътибор маърузанинг сифатли ва фойдали бўлишига қаратилади. Таълим маданияти ва одатларимиздаги тафовут яққол эътиборимни тортди: профессорлар ўз йўналишида хатога йўл қўйиши мумкинлигини билади.

Шунингдек, яна бир қизиқ жиҳат: дарс соатлари сезиларли даражада кам, лекин самарадорлик юқори. Сабаби, ҳар бир семестр аввалида профессорлар ўқиб, таҳлил қилиш керак бўлган кат-

та ҳажмдаги адабиётлар рўйхатини эълон қиладди. Талабалар вақтининг катта қисмини шу илмий адабиётларни мустақил ўқиб, таҳлил қилишга сарфлайди. Шу йўсинда профессор талаба учун ўқитувчи эмас, балки маслаҳатчи, малакали суҳбатдош, консултант ёки йўл кўрсатувчи сифатида гавдаланади. Қисқаси, профессорлар вақтингизни тежаб, сизга керакли ва фойдали адабиётлар рўйхатини тақдим этади. Маърузалар орқали мавзунлар юзасидан ўз қарашини, муносабатини билан ўртоқлашади. Талабаларнинг саволларига ечим топишга ёрдам беради.

Университетда талабани дахшатга соладиган икки сўз — плагиат ва коррупция. Ҳар бир талабанинг илмий иши, изланиши натижалари университет томонидан плагиат, муаллифлик ҳуқуқига зид эмаслиги қатъий назорат қилинади. Агар талаба қўчирмачилик қилган бўлса, профессорларга пора тақлиф қилса ёки бошқа ноқонуний йўллар билан баҳо олишга уринса, университет маъмурияти унга жиддий жазо қўллабди. У талабалар сафидан четлатилади ва ўқини бошидан бошлашига тўғри келади.

Чет элда таълим олиш тўғрисида сўз кетар экан, бу ерда кўпчиликка ёққан ва илҳомлантирган асосий жиҳат университетни бутунлай қамраб олган ҳақиқий илм даргоҳи шукрхидир. Олдингиз ҳеч ким келиб, яхши ўқи, ҳаракат қил, ўз ўстингда ишла, демайди. Курсдошларингиз ва бошқа талабаларнинг ям-яшил ўт-ўлан устида жойлашиб, кутубхоналардан жой топа олмай, зиналарга ўтириб ўқийгани, дарс жараёнида тинмай ёзиб ўтирганини қўриб, уларга қўшилиб излангингиз келади. Ҳатто имтиҳонлар ҳам ноанъанавий, профессорлар оғзаки имтиҳон олиш учун талабаларни университет боғига тақлиф қилиши мумкин. Ўзим билан боғлиқ мисол келтираман: қиёсий сиёсат фанидан профессоримиз имтиҳон

самарадорлиги, ўқитувчиларнинг сифат таркиби ҳам шунга мутаносиб эди.

Энди мамлакатимиз янги даврга қадам қўйди. Ўқитувчи фаолияти доирасига кирмайдиган барча юмушлардан озод этилди. Ҳатто педагог ходимларнинг хизмат вазифаларини бажаришига тўқиллик қилганлик учун жавобгарлик қўчатирилиши муносабати билан Жиноят ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Энди қонунчиликка биноан, меҳнатга бирор-бир шаклда маъмурий тарзда мажбурлаш таълим ташкилоти педагог ходимига нисбатан ҳудди шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланишига, яна содир этилса, БҲМнинг 150 баробаридан 200 баробаригача (45 миллион сўмдан 60 миллион сўмгача) миқдорда жарима, 3 йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, 3 йилгача ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм этилишига сабаб бўлади. Бу ҳам жамиятда ўқитувчилар қадри, шаъни, обрў-эътиборининг амалдаги ҳимоясидир.

Бугун педагогларнинг олдига ёш авлоднинг етук ва қомил инсон қилиб тарбиялаш вазифаси қўйилган. Буюк Архимед “Ернинг таянч нуқтасини топиб берсангиз, мен уни кўтараман”, деган эди. Президентимиз таълимнинг таянч нуқтасини топти. Педагоглар меҳнати қадрланиши, эъзозланиши, ижтимоий ҳимояга олингани бунинг исботидир. Жамиятда муаллимнинг мавқеини, ўқитувчилик касби нуфузини оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, сўнгги йилларда педагоглар оилка маошининг 2,5 баробар оширилгани бунинг тасдиғидир. Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясида туртинчи устувор йўналиш айнан таълим соҳасини, инсон капиталини ривожлантиришга қаратилгани ҳам бежиз эмас.

Ислохотлар ўқитувчиларни мактабга қайтариш, уларни таълимдан бошқа, хизмат вазифасига кирмайдиган барча ишлардан, ортиқча қоғозбозлиқдан озод қилишдан бошланди. Бунинг натижасида муаллимнинг ўз устида ишлаши ва болаларга қўшимча дарс беришига имконият яратилди. Мактабнинг самараси битирувчиларнинг ҳаётда муваффақиятга эришиши билан ўлчанади. Педагог фақат маош олиш учунгина бу касбни танламайди. Болаларга меҳр қўйган, соҳага фидойи, ишини яхши кўрган инсонгина ўқитувчи бўла олади. Қўпгина фидойи мураббийлар энг қийин пайтларда мактабни тарқ этмаганининг боиси ҳам шунда. Майли, пахта терсин, кўча супурсин, аммо ўқитувчиларнинг шараф деб билган, касбининг машаққати ортдан роҳатланган устозларни ҳаётда ҳар биримиз учратганимиз.

Янги Ўзбекистондаги ислохотлар давомида ҳар бир соҳа вақилига, аниқроғи, педагогларга алоҳида эътибор қаратилаяпти. Айниқса, мактаб, коллеж

ва ОТМ ўқитувчилари диққат марказида. Менимча, энг олий мақсадларни кўзлаган юртимиз, фарзандининг бахту қамолини кўзлаган ҳар бир оила манфаати нуқтаи назаридан Конституциямизга киритилган бу ўзгариш ўз вақтида қабул қилинган тўғри қарордир.

Ўқитувчининг обрўси баланд юртининг бугуни ва келажаги ҳам буюк бўлади. Президентимиз масаланинг ана шу нозик томонини кўра олди. Мақсад — таълим тизимини оёққа қўйиш. Бусиз ислохотлар амалга ошмайди. Буни битта вазирлик ёки агентлик ҳал қилолмайди. Бунга бутун халқ, жамият масъул. Чунки давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, нажотимиз мактабда, таълимда, билимда. Ўзбекистонда энг ҳурматли инсон ўқитувчи бўлмоғи зарур. Устозга юксак эҳтиромнинг Конституциямизда ўз ифодасини топиши илм-фан, маънавият ва маърифат ривожини, Янги Ренессанс пойдеворини яратиш учун қучли ҳуқуқий асос бўлиб қолди қилади.

XXI аср — юксак интеллектуал салоҳиятли, замонавий билим ва малакага эга, янгиқа дунёқараш ва мустақил фикрли мутахассислар асри. Бундай авлодни тарбиялашда устоз-муаллимларнинг хизмати бекиб. Зеро, ҳозир ҳақонда мамлакатнинг тараққиёт даражаси педагогларнинг жамиятда тутган ўрнига қараб белгиланмоқда. Сингапур мўъжизаси бунга мисол бўлади.

Биз бугун Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишни мақсад қилдик. Маърифатли инсонга маълумки, жамият тараққиёти асосини илм-фан, таълим-тарбия, санъат, адабиёт, янги технология, инновациялар ташкил этади. Илм-фанни эса, албатта, ўқитувчи, устоз ўргатади. Таълим-тарбия ишини юқори даражага кўтармоқчи бўлсак, биринчи навбатда муаллимларнинг ижтимоий мақомини кўтаришимиз керак.

Яна бир масалага эътибор қаратмоқчиман: илм-маърифат билан боғлиқ моддаларга алоҳида эътибор замирида чуқур маъно мужассасан. Илм-маърифат — янги уйғониш даври пойдевори. Унинг асосида шу юрт фуқароларининг миллий тафаккури, миллий ғояси, эртанги кунга, тараққиётга ишончи қамол топади. Илм-фан ривожланар экан, нафақат иқтисодий, балки ижтимоий-маданий соҳанинг ҳам тараққиёти кафолатланади. Маскур кафолат эса ўзида янги Ренессанс даврини ифода этишига ҳеч шубҳа йўқ.

Қолаверса, илм-маърифат ривожланмаган давлат ҳеч қачон тўлақонли давлат бўла олмаслиги бизга узоқ тарих ҳамда бугунги асримиздаги юксак тараққий этган илғор мамлакатлар таърибасидан жуда яхши аён. Донишманд халқимиз лафзи билан айтганда, илм-маърифат икки дунё саодатидир. Илм-маърифатсиз киши берилган нёзматлар қийматини англаб етмайди. Шундай экан, янги тахрирдаги Конституциямиз халқимизнинг ҳар жиҳатдан юксалиши ва тараққиёти учун асос бўлиб хизмат қиладди.



жараёнида тушлик вақтидан унумли фойдаланиш учун синовини университет қаҳвахонасида давом этиришини тақлиф қилди. Шу аснода мени қаҳва ва ширинлик билан меҳмон қилди. Мана сизга эркинлик, қулайлик ва вақтдан самарали фойдаланиш.

Икки йил давомида нуфузли университетда таълим олиб, Ғарб жамиятида узлуқсиз ҳаёт кечириш, бошқа маданият, тил ва қадрият вақиллари билан мулоқот ўрнатиш, дунёга уларнинг нигоҳи билан назар солиб қуриш имконияти мендаги ички трансформация жараёнига сабаб бўлди. Ўзим учун нафақат жуда катта илмий-академик,

балки ҳаётий таърибага ҳам эга бўлдим. Ушбу ажойиб имкониятлар учун бизни қўллаб-қувватлаган давлатимизга миннатдорлик билдираман. Шунингдек, халқимиз олдида катта масъулият ҳам ҳис қилиб турибман.

Ҳозир якуновчи семестрда магистрлик диссертацияси устида ишлаяпман. Мавзум Марказий Осиё иттифоқи истиқболлари, минтақанинг институционал интеграциясига бағишланади. Ўқишни тамомлаб, юртимизга қайтгач, Тошкент давлат шарқшунослик университетидеда ёшларга сиёсий фанлардан дарс бериш, билим, таъриба улаиши ва илм олишга илҳомлантириш ниятидаман.

